


2020/1

ТЕАТР



Абдулла Қодирий асарлари сахнада

2020/1

ТЕАТР

ADABIY-BADIIY, AXBOROT-REKLAMA JURNALI

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
0027-сонли гувоҳномаси билан рўйхатга олинган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация
Комиссиясининг докторлик диссертациялари
асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия
қилинган илмий нашрлар рўйхатига
17.00.00 — Санъатшунослик фанлари бўйича
8 тартиб рақами билан киритилган.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

Тошкент — 100047, Мирзо Улуғбек тумани,
“Тараққиёт” кўчаси, 49-уй

Тел.: 244-41-60, 244-41-62. www.teatrjurnali.uz

E-mail: uzteatrjurnal@mail.ru Формати 60x84 1/8.

Шартли ҳисоб табоғи 6,0. Адади 1600 нусха.

Босишга рухсат этилди: 15.02.2020 й. № 4 буюртма.

ISSN 2091-519

Оригинал макет “Театр” журнали тахририятида тайёрланиб,
“SILVER STAR PRINT” МЧЖ матбаа бўлимида офсет усулида
чоп этилди. (Тошкент шаҳар, Учтепа тумани 22-мавзе, 17-уй)
Журнал матбаасига оид эътирозлар бўлса, юқоридаги манзилга
муурожаат қилинсин.

Муаллифнинг фикри тахририят
фикридан фарқ қилиши мумкин. Тахририятга келган
материаллар қайтарилмайди. Келтирилган далил, рақам ва
иктибослар учун муаллиф масъул.

Журнал майдони чеклангани сабабли ҳажми
5-6 саҳифадан ортиқ материаллар қабул
қилинмайди. Журналдан кўчириб босилганда
“Театр” журналидан олингани кўрсатилиши шарт.

Журнал 1999 йилдан чиқа бошлаган.
Бир йилда 6 марта нашр этилади.

БОШ МУҲАРРИР:
Шаҳрибону ИМОМОВА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ
Озодбек НАЗАРБЕКОВ
Элдор МУХТОРОВ
Минҳожиддин ҲОЖИМАТОВ
Муҳаббат ТЎЛАХЎЖАЕВА
Муқаддас АХМЕТЖАНОВА
Шухрат РИЗАЕВ
Сирожиддин АҲМЕДОВ
Ҳамиджон ИКРОМОВ
Фатхулла МАСЪУДОВ
Тўра МИРЗО
Мансур РАВШАНОВ
Омонулла РИЗАЕВ
Сарвиноз ҚОДИРОВА
Бахтиёр ТЎРАЕВ

ТАХРИРИЯТ:

Масъул котиб	Мухаррам ЯКУБЖАНОВА
Бўлим муҳаррирлари	Нодира АСАДОВА
	Муҳиба ИСМАТИЛЛАЕВА
Мусаххих	Шавкат ДЎСТМУҲАММАД
Дизайнер-рассом	Акбар ИСМАИЛОВ
Веб-дизайнер	Муаззам РАЖАББОВЕВА
Матн терувчи	Маҳлиё ҚУРБОНОВА

“Театр” журнали, 2020


НАВБАТЧИ
Муҳиба ИСМАТИЛЛАЕВА

УШБУ СОНДА:

“ЭҲТИРОМ”ГА МУНОСИБЛАР.....	2
АКТЁРЛИК ФАОЛИЯТИДА САҲНА ҲАРАКАТИНИНГ ЎРНИ <i>Шамсиддин УСМОНОВ</i>	4
“МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРИШ ХАЙРЛИДИР” <i>Дилдора КАМОЛОВА</i>	6
“ЗОЛУШКА” ЎЗБЕК ТИЛИДА... <i>Муҳиба ИСМАТИЛЛАЕВА</i>	8
“ОГАҲИЙ”ГА УЧИНЧИ МУРОЖААТ <i>Бахтиёр ОМОНБОВ</i>	10
ҚАЛБ КЎШКИДА “ҚУШ ТИЛИ” <i>Фотима ХОЛБОЗОРОВА</i>	11
“ЧИРОҚЧИ — МУСТАҚИЛ ИЖОДКОР” <i>Акбар ЭРГАШЕВ</i>	12
ХИТОЙ ОПЕРА ИЖРОЧИСИ ДИЛБАР ЮНУС ИЖОДИГА НАЗАР <i>Дилмурод УЗОҚОВ</i>	14
ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНЫЙ СПЕКТАКЛЬ «ЛАУРА И ЖАКИ» ГАБРИЭЛЯ АРУ <i>Лола ГАНИЕВА</i>	16
ЯХШИЛИК — ОЛИЙ ХИЛҚАТ <i>Муҳаррам БОЗОРОВА</i>	19
“ОҚ ҚУЁННИНГ ХИЙЛАЛАРИ” <i>Феруза Шоева</i>	20
“ОЛТИН ЖЎЖА”НИНГ МИСИ ЧИҚМАСИН <i>Шавкат ДЎСТМУХАММАД</i>	21
ДУНЁ ҲАВАС ҚИЛГАН ЎЗБЕК ДОСТИ... <i>Бекназар ДЎСТМУРОДОВ</i>	22
“ШИРОҚ” <i>Гулчехра САЛИМОВА</i>	23
КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИ... <i>Бადий Таълимнинг дол...</i>	24
БАДИИЙ ТАЪЛИМНИНГ ДОЛ... МАСАЛАЛАРИ: МУНТАЗАМЛИ... РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛА... <i>Нодирбек САЙФУЛЛАЕВ</i>	26
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ ГАНЧ БЕЗАКЛАРИ <i>Равшан ФАТХУЛЛАЕВ</i>	28
МАДНИЯТДА МУҚИМЛИК ВА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁН <i>Умида УТАНОВА</i>	30
БАДИИЙ ОБРАЗНИНГ ФАЛСАФИЙ-ЭСТЕТИК ТАЛҚИНИ <i>Мамура УМАРХОЖАЕВА</i>	32
ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ МУЗЕЙИ ФАОЛИЯТИ <i>Камола Нишонова</i>	34
ЖАҲОН ТЕАТРЛАРИДА САҲНА БЕЗАКЛАРИНИНГ ШАҚЛЛАНИШИ <i>Аҳмаджон ОРИНОВ</i>	36
РАНГТАСВИР ВА МУСИҚА СИМБИОЗИ <i>Дилшод АЗИЗОВ</i>	38
ТЕАТР ФАОЛИЯТИДА ЛИБОС ДИЗАЙНЕРЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ МУАММОЛАРИ <i>Эътибор МИРЗАНАЗАРОВА</i>	40
ҚЎҒИРЧОҚЛАР МУЗЕЙИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАСИ <i>Феруза ҚОБИЛОВА</i>	42
ЎЗБЕКИСТОН РАНГТАСВИРИДА ЎЗБЕК КИНО ВА ТЕАТР АРБОБЛАРИНИНГ ПОРТРЕТЛАРИ <i>Обиджон АБДУЛЛАЕВ</i>	44
МУЗЕЙЛАР РИВОЖИДА ЭТНОГРАФИК ТОМОШАЛАРНИНГ ЎРНИ <i>Гулраъно ОРИФЖОНОВА</i>	46
СПЕКТАКЛЬ МУВАФФАҚИЯТИДА ТЕАТР ЛИБОСИНИНГ АҲАМИЯТИ <i>Шаҳноза ҚОСИМОВА</i>	48



2 “ЭҲТИРОМ”ГА МУНОСИБЛАР



8

“ЗОЛУШКА”

ЎЗБЕК ТИЛИДА...



10

“ОГАҲИЙ”га

учинчи мурожаат

ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНЫЙ
СПЕКТАКЛЬ


«ЛАУРА И ЖАКИ»
ГАБРИЭЛЯ АРУ



16



ТЕАТР ФАОЛИЯТИДА ЛИБОС ДИЗАЙНЕРЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ МУАММОЛАРИ



Эътибор МИРЗАНАЗАРОВА,
Музейшунослик кафедраси ўқитувчиси

жумладан, тасвирий санъат йўналишини ривожлантириш борасидаги долзарб вазифаларни белгилаб, уларни ҳал этиш йўллари кўрсатиб берди. Ўтган қисқа муддатда ана шу таклиф ва ташаббусларни амалга ошириш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан ўнга яқин фармон ва қарорлар қабул қилинди. Президентимизнинг "Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3219- сонли Қарори шу йўналишдаги яна бир муҳим ҳужжат бўлди. Қарорда халқимизни тасвирий санъат намуналаридан баҳраманд этиш ва дизайн йўналишида фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг ижодий имкониятларидан унумли фойдаланиш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш, санъат асарларида миллий ва умуминсоний аъёналарни юксак даражада ифода этишга эришиш, юртимизда ўтказилаётган кўرғазмаларнинг бадиий савиясини ошириш, рассомлик ва дизайн соҳасига ихтисослашган таълим тизимини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш борасида ҳам муҳим вазифалар белгиланган.

Театр ва кино соҳасига либос дизайнерларини етиштириш вазифасини Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактаби (П.Беньков номидаги рассомлик коллежи) амалга ошириб келмоқда. У ерда таҳсил олиш даврида талабалар либос тарихи, саҳналаштириладиган театр санъати асарлари, рангтасвир билан бир қаторда амалиётда либослар ҳам яратадилар. Уларга қўйиладиган асосий вазифа – кам

Либос дизайни бир қарашда унчалик муҳим соҳа саналмаса-да, аслида санъат соҳасида, айниқса театрда асарнинг муваффақиятли чиқиши айнан шу касб эгаларининг ишига чамбарчас боғлиқ. Либос дизайнери ўз ишига киришишдан олдин асарни пухта ўзлаштириб, давр руҳи, тарихий-замонавий омиллар, образлар психологияси, режиссёр ёндашуви ва, албатта, жанр талабини инobatга олиши керак. Таъбир жоиз бўлса, либос дизайнери таянч билимлардан ташқари адабиёт, фалсафа, психология, тарих, эстетика фанларидан ҳам мутахассис даражасида хабардор бўлиши зарур.

Маълумки, 2017 йил 3 август кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашувда тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида маданият, адабиёт ва санъат соҳасини,



харажатли материаллар ёрдамида сахна либоси яратиш. Шунинг таъкидлаш жоизки, театр ва кино либоси бир-биридан ажралиш техникаси билан ажралиб туради. Кинога тикиладиган либосдан театр сахнасига мўлжалланган либос ўзининг бўрттирилиб ишланганлиги билан ўзгача.

Шу билан бирга, соҳада етакчи ҳисобланган Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида 2001 йилда очилган "Дизайн факультети" Либос дизайни кафедрасида соҳа бўйича етишиб чиққан кадрлар ҳам бугунги кунда театр ва кинода фаолият олиб бормоқда.

Кафедра қошида амалий машғулотлар ўтказиш учун махсус ва универсал асбоб-ускуналар билан жиҳозланган тикув лабораторияси мавжуд. "Либос дизайни" кафедрасида талабаларга ўқув жараёни давомида либос дизайнининг тарихий босқичлари билан бир қаторда мода оламида мавжуд турли услуб ва йўналишлар, замонавий тамойиллар ҳақида кенг билимлар берилади.

Жамиятимизда рўй бераётган янги-янгиланишлар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тўб ўзгаришлар ясаб, миллий маданиятимиз ривожига кенг йўл ва имкониятларни очиб беряпти. Атоқли санъатшунос Э.Баллернинг: "... жамиятнинг бадий маданиятда даврлар оша етиб келган анъаналарнинг мерос бўлиб қолишига қулай шарт-шароит яратиши, унинг ривожланишини кўрсатади", деган фикри бугун юртимизда ўз аксини топмоқда. Тарихан қисқа вақт ичида маънавий меросни қайта тиклаш, миллий қадриятларни ривожлантириш борасида қатор ютуқлар қўлга киритилди.

Либос дизайни соҳасини юксалтириш-

да рассом-дизайнерларнинг касбий фаолиятига алоҳида эътибор қаратмоқ жоиз. Юртимизда етишиб чиқаётган ёш театр ва кино либос дизайнерларининг миллий мерос намуналарини ўзлаштиришида устозларининг ўрни беқиёс. Бугунги кунда либос дизайни соҳасида анъанавий либос намуналарини муайян услубда қайта ишлаш ёки уларнинг бадий унсурларидан ижодий фойдаланиш амалиёти жуда жиддий ижодий ёндашувни талаб қилади.

XVIII асрда яшаб ўтган инглиз файласуфи Томас Рид ўз асарига, "... яхши дид, яхши тарбия ва соғлом тафаккур ўзаро чамбарчас боғлиқки, улар муштарак ҳолда бизнинг ахлоқимизга таъсир этади ёки кишининг хулқини белгилловчи жиҳатлар ичида яхши дид ва яхши тарбия муҳим ўринда туради", деб айтганидек, миллий урф-одатларимиз, азалий анъаналаримиз, маънавий ва моддий бой меросимиз асосида яратилган театр ва кино учун мўлжалланган либосларни томоша қилган ёшлар маънавий баркамол инсон бўлиб етишиши муқаррардир.

Ҳозирда, нафақат, санъатшунос, балки файласуф, маданиятшунос, руҳшунос, социолог ва бошқа мутахассислар ҳам либос ва унинг жамиятда туганган ўрни ҳақида изланишлар олиб бориб, кўплаб фикрлар билдирмоқда. Чунки ҳар бир давр либоси маълум вақтнинг, нафақат, инсон ташқи кўриниши, балки бутун бир жамиятнинг қиёфаси сифатида намоён бўлади. Театр ва кино сахнаси учун дизайнерлар томонидан яратилаётган либослар ёш авлод эстетик дунёқарашининг шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди ва тарбия воситаси бўлиб хизмат қилади.